

Ўзбекистон География жамияти ва Россия ижтимоий географлари ассоциацияси (АРГО) ўртасидаги ҳамкорлик

Ўзбекистон География жамияти билан Россия ижтимоий географлари ассоциацияси (АРГО) ўртасидаги ҳамкорлик ижтимоий-иқтисодий география соҳасида фаол ривожланмоқда. Бу борадаги кўп томонлама муносабатларининг ривожланиши Ўзбекистон География жамияти собиқ раиси профессор А.С.Солиев ва АРГО уюшмасининг асосчиси ва президенти профессор А.Г.Дружинин ўртасида алоқалар ўрнатилишидан бошланди.

2011 йил апрел ойида В.П.Астафьев номидаги Красноярск давлат педагогика университети негизида Россия ижтимоий географлари ассоциациясининг Ўзбекистон География жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган “География, тарих ва геозэкология илм-фан ва инновацион таълим хизматида” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур анжуман ялпи мажлисининг дастурида илмий маърузаси билан профессор А.С.Солиев иштирок этди.



Красноярск давлат педагогика университети ректори, профессор Н.И.Дроздов, Ўзбекистон География жамияти раиси, профессор А.С.Солиев, КДПУ иқтисодий география кафедраси мудири, профессор А.И.Шадрин (2011)

2014 йилда Ўзбекистон География жамияти ва Россия ижтимоий географлари ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. 2014 йилда АРГО томонидан нашр этилган “Феномен культуры в российской общественной географии (экспертные мнения, аналитика, концепты)” монографиясини шакллантиришда А.С.Солиев ва В.Н.Федорко Ўзбекистон Республикасида рус маданиятининг ижтимоий-географик таҳлилига бағишланган тадқиқотлари билан қатнашдилар. Шу йили А.С.Солиев Санкт-Петербургдаги АРГО нинг V ассамблеясида иштирок этди ва “АРГО нинг фахрий хорижий аъзоси” дипломи билан тақдирланди.



Профессор А.С.Солиев РФА Академиги П.Я.Бакланов ва АРГО президенти, профессор А.Г.Дружинин билан биргаликда АРГОнинг V Ассамблеясида (Санкт-Петербург, 2014 й.)

Ўзбекистон География жамияти ва Россия ижтимоий географлари ассоциацияси ўртасида илмий журналларда (“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” ва “Социально-экономическая география. Вестник АРГО”) илмий мақолаларни чоп эттириш бўйича ўзаро алмашинув амалиёти йўлга қўйилган.

2018 йил май ойида Россия ижтимоий географлари ассоциацияси президенти, профессор А.Г.Дружинин ўзининг илмий изланувчиси В.Н.Федорконинг география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимояси муносабати билан Тошкентга ташриф буюрди. А.Г.Дружинин Ўзбекистон Миллий университети География ва табиий ресурслар факультети раҳбарияти билан учрашди. Бу учрашув натижасида ЎЗМУ География ва табиий ресурслар факультети ҳамда Калининград шаҳридаги И.Кант номидаги Болтиқ Федерал университетининг Табиатдан фойдаланиш, ҳудудий ривожланиш ва шаҳарсозлик институти ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида шартнома имзоланди.

2018 йилнинг августида Тошкент ва Калининград географлари ўртасида ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш доирасида В.Н.Федорко Калининград шаҳрига ташриф буюриб, “Болтиқбўйи минтақаси – ҳамкорлик ҳудуди-2018: Россия ғарбий чегараси бўйлаб трансмиллий ҳамкорлик муаммо ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этди.

Шунингдек, В.Н.Федорко Ўзбекистон География жамияти ижро котиби сифатида 2019 йил сентябрь ойида Қозон шаҳрида бўлиб ўтган Россия ижтимоий географлари ассоциациясининг IX Ассамблеясида иштирок этди.



“Ўзбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик салоҳияти ва истиқболи” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Бухородаги саёҳат вақтида, 2019 йил 18 май куни

Ўзбекистон География жамияти ва Россия ижтимоий географлар ассоциацияси ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали натижаларидан бири сифатида 2019 йил 13-19 май кунлари Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган “Ўзбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик салоҳияти ва истиқболи” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳисобланиши мумкин. Ушбу халқаро илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон географиясининг 33 та вакили, жумладан 10 нафар фан доктори, Россия Федерациясининг 16 та шахридан (Барнаул, Белгород, Владивосток, Волгоград, Воронеж, Екатеринбург, Иркутск, Калининград, Москва, Новосибирск, Оренбург, Ростов-Дон, Санкт-Петербург, Смоленск, Улан-Удэ, Хабаровск) 45 та географ-мутахассис, жумладан 17 нафар фан доктори, шунингдек, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон, Хитой, Босния ва Герцеговина, Полша давлатларидан 10 тадан зиёд географ олимлар маъруза билан иштирок этган. Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари 12 та давлатнинг (Озарбайжон, Буюк Британия, Грузия, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон, Полша, Россия, Босния ва Герцеговина, Тожикистон, Украина ва Ўзбекистон) жами 200 тадан ортиқ вакилларининг 125 та тезисларидан иборат бўлган алоҳида илмий ишлар тўплами кўринишида чоп этилди.